



2013 у.р. "27" июл

№ 744-К

Самарқанд т-р Самарқанд

Самарқанд туман «Даштакиболо» қишлоқ фуқаролар йиғини «Рустам» маҳалласи «Мароқанд агротехсервис» агрофирмаси худудидан фуқаро Зайниддинова Нигорага савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчаси қуриш учун ер майдони ажратиш ҳақида.

Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларни бериш, (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссияси йиғилишининг 2013 йил 5 июлдаги 74 рақамли баёни, Самарқанд туман ҳокимининг 2013 йил 28 мартдаги 290-Қ сонли ер танлаш ҳақидаги қарори, Самарқанд вилоят табиатни муҳофаза қилиш кумитасининг 2013 йил 14 январдаги хулосаси, Самарқанд вилоят архитектура ва қурилиш бошқармаси томонидан 2013 йил 14 майда тасдиқланган 226-сонли архитектура режалаштириш топшириғи, фуқаро Зайниддинова Нигорани туман ҳокимлигига берган хати, тўпланган барча ҳужжатлар тўплами ва ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 23 моддасига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларни бериш, (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссияси йиғилишининг 2013 йил 5 июлдаги 74 рақамли баёни ҳамда ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномаси тасдиқлансин.

2. Самарқанд туман «Даштакиболо» қишлоқ фуқаролар йиғини «Рустам» маҳалласи худудидан фуқаро Зайниддинова Нигорага «Мароқанд агротехсервис» агрофирмаси ер харитасининг 16 контуридан савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчаси қуриш учун жами 135,0 кв. метр (шундан: 135,0 кв. метр туман захира ерлари ҳисобидаги қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган) ер майдони ажратилсин.

3. Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ кодекси»га асосан ер солиғини ундириш ва 2014 йил 1 январ ҳолатидаги ер балансига ўзгартириш киритиш туман Давлат солиқ инспекцияси (О. Исмоилов) ва Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Т. Шаропов)га топширилсин.

4. Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари О. Мухторов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б. Садуллаев